*Турмуш чорраҳаларида*

# МЕҲРЛИ БЎЛАЙЛИК

**Эрта тонг одатдагидек ишга кетаётиб бир аёлнинг кўчани хазонлардан тозалаётганига кўзим тушди. Аёл бирдан ёнида гирдикапалак бўлиб ўйнаётган 5-6 ёшлардаги ўғилчасини шанғиллаб койий бошлагани эшитилди. «Нари йўқол, ҳей турқинг қурсина, хазонларни ҳозир тўдалаб қўйгандим, нега ҳамма ёққа сочиб ташладинг. Эй, итни боласи, ҳайвон», дея жаҳл билан боласини қарғай бошлади. Бола эмасми ўғилчаси ҳам қуриган хазонларни шилдиратиб ўйнаб, баттар соча бошлади. Онаси яна қарғишини қўймай ўғлини турткилаб, торткилаб уйига кириб кетди.**

Йўлда кетаяпману аёлдан жаҳлим чиқди. Норасида фарзандини нега бунча ўйламай қарғаяпти. «Итни боласи», «ҳайвон», «итвачча» деган ҳақоратли сўзлар айнан ўзига ҳам тегишли маънони билдираётганини наҳотки тушунмаса. Ахир фарзанд — жигаргўшамиз, ёруғ жаҳонимиз, ҳаётимиз мазмуни-ку. Каттами, кичикми фарзандимиз агар бетоб бўлиб, ҳарорати кўтарилсин-чи, «Вой болажоним, асалгинам, қўзичоғим, сенга нима бўлди?» деб ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз, куйиб-ёнамиз. Фарзандимизга жонимиз ачиб, кўпроқ азобланамиз.

Шу воқеа сабаб меҳрибон онажоним, уларнинг айтган қимматли маслаҳатлари ёдимга тушди. Уч ўғлим кичик вақтлари ҳар гал онажонимни кўргани борганимда онам уй тўла набиралари қуршовида ўтирган бўлардилар. Катта-кичик набиралари бири энди йўлга кирган, бири эмаклаган, сал катталари бир-бири билан ўйинчоқ талашган, қувлашган, хуллас шовқин-сурон ичида уларга ҳай-ҳайлаб, овутиб ўтирган бўлардилар. Менинг фарзандларим ҳам қўшилгач, уй янаям тўлиб кетар, ойижоним билан бемалол суҳбатлаша олмасдим ҳам. Шундай кунларнинг бирида болаларнинг тўполонларидан чарчаб «Қани бир ҳовлига чиқиб ўйнангларчи, жудаям шовқин бўлиб кетди. Бувингларни чарчатиб қўясизлар, озгина дам олсинлар», дедим.

Каттароқларини ҳовлига чиқариб туриб, «Ҳар куни шу аҳвол эканда, сизга тинчлик бермай бошингизни оғритиб қўйишмайдими, бу тўполончилар, чиқариб юборинг, ҳадеб олдингизда олиб ўтирмай» дедим, онажонимга ачиниб. Шунда улар мендан астойдил хафа бўлиб: «Вой қизимей, ахир шу қора кўзларку мени ҳар хил ташвиш-ўйлардан халос қилиб, кулдириб, яшнатиб юрган. Булар ҳаётим мазмунику, ахир. Агар улар бўлмаса ҳайҳотдек уйда ёлғиз нима қилардим. Менинг овунчоғим, ҳаётим қувончи шу набираларим. Уларни ҳайдаганинг яхши бўлмади. Болаларингга меҳрибон, ширин сўз бўл, ортиқча койима ва эсингда бўлсин ҳеч қачон қарғама, урма. Уларнинг кўнгли гулдек нозик. Ҳали булар норасида. Ҳадемай вояга етиб, катта йигит бўлиб дадасига, сенга тоғдек суянчиқ бўлишади...»

Ҳа, мана орадан қанча йиллар ўтди. Онажонимнинг (Оллоҳ раҳмат қилсин) айтган қимматли сўзлари, ўгитлари ҳали-ҳали қулоғим остида янграйди. Шунда беғубор болалигим ёдимга тушади. Биз оилада тўққиз фарзанд эдик. Онам икки фарзандли бўлганларида дадам армия хизматига кетганлар ва икки йил туғаб энди уйга қайтмоқчи бўлганларида уруш бошланиб, урушга кетганлар. Онам етти йил отамни садоқат билан кутган эканлар. Ниҳоят уруш тугаб отам соғ-омон қайтиб келганлар ва биз фарзандлар дунёга келганмиз. Урушдан кейинги йиллар анча оғир кечган, албатта. Уруш асоратлари секин-аста сезилиб, отамнинг соғлиқлари ёмонлаша борди. Тез-тез касалхонага ётадиган бўлиб қолдилар. Фақат иккита катта опамни турмушга бериб, қолган олти фарзандлар мактаб ва боғча ёшидамиз. Мана шу йиллар онам учун ниҳоятда оғир, ташвишли бўлган. Уни фақат она бўлиб фарзанд тарбиялаётганимдагина чуқур ҳис қилдим. Ёшлигимизни, ўша оғир йилларни кўп эслайман. Мен ҳозир бир нарсага жуда ҳайрон қоламан. Онажоним шундай оғир турмуш қийинчиликларию ташвишларига ўта чидам ва бардош бериб, бизларни едириб-ичириб, кийинтириб, бирон марта ҳаётдаги қийинчиликлардан нолиганларини, биронтамизни уриб, туртиб, қаттиқ койиганлари, қарғаганларини билмаймиз. Оиламиз бошига мусибат тушиб, отам бевақт вафот этдилар. Биз ёш гўдакмиз, онам учун ҳамма қийинчилик ва ташвиш энди бошланди. Лекин онаизоримизнинг шундан кейин ҳам бирон марта кўз ёш қилиб бировга нолиганларини, ҳеч биримизга қарғиш у ёқда турсин қаттиқ овозда койиганларини эшитмаганмиз. Албатта болаликда ҳамма шўхлик қилади, уришади, талашади. Биз ҳам албатта шундай бўлгандирмиз. Лекин онажонимнинг сабр-бардошлари, матонатлари, сахий қалбларига биз тўққиз фарзанд ҳали ҳануз қойил қоламиз. Меҳрибон, юраклари дарё онамизни нафақат биз, балки қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ҳам ҳозиргача «Жуда меҳнаткаш, беозор, сабр-бардошли аёл эдилар» деб кўп эслашади. Онамиз билан доимо фахрланамиз. У кишининг тарбиялари туфайлими биз ака-ука, опа-сингиллар ҳам бир-биримизга жуда меҳрибон, жигаржонмиз. Биронтамиз уришиш, қарғаш каби хунук сўзларни билмаймиз. Бу бизга онамиздан ўтган фазилат албатта. «Қуш уясида кўрганини қилади» деб шунга айтишса керак.

Гоҳида юқорида хазон супураётиб боласини қарғаган аёл сингари оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган, баъзан ундан ҳам хунук сўзлар билан эркаклардек сўкадиган аёлларни ҳам учратиб қоламиз.

Яқинда автобусда шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ҳамма уйига ошиқарди. Бирдан автобуснинг орқа томонида шовқин эшитилди. Бир ўрта ёшли аёл катта сумкасини ўриндиққа қўйиб, жойни эгаллаб ўтирган экан. Бир йигит: «Опа, сумкангизни пастга қўйсангиз бўлмайдими, ўриндиқда одамлар ўтириши керак ахир» деганида бояги аёл шанғиллаб уришиб берди. Хуллас, аёлнинг оғзидан айтиб бўлмайдиган сўзлар, сўкишлар чиқа бошлади. Бир автобус одам аёлга нафрат билан қараб, бир оғиз танбеҳ бера олмади. У билан тенглашишни ҳеч ким ўзига эп кўрмади. Аёлга гапириб балога қолган йигит эса уятдан чидай олмай автобусдан тушиб кетди...

Эҳ, аёллар, аёллар... Сиз нозиктаъб, назокатли, ҳаёли, латофатли сингари фазилатларга муносибсиз. Буни асло унутманг. Шундагина атрофдагилар, оилангиз ҳурмат-эъзозига, фарзандларингиз ардоғига муяссар бўласиз.

**Дилором ИКРОМОВА.**

*Менинг маҳаллам*

# ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

Маҳалла ҳар бир инсон туғилиб, ўсиб-улғайдиган, доимий истиқомат қиладиган, тўй-ҳашамлар ва маърака-тадбирлар ўтказиладиган муқаддас маскан. Шу жиҳатдан олганда Президентимизнинг «Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда» деган сўзларида улкан маъно борлигини кўрамиз.

Айни кунларда шаҳримизнинг кенг жамоатчилиги иштирокида маҳаллий ҳокимиятларнинг маҳаллалар аҳли билан жойларда тез-тез ўтказаётган учрашувларида «Ёшлар ўртасида диний экстремизмнинг олдини олиш ва гиёвандликка қарши кураш» мавзуларига катта эътибор қаратилмоқда.

Шундай учрашувлардан бири Яккасарой туманидаги Муқимий маҳалласида бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган бу йиғилишга туман «Маънавият ва маърифат» маркази, туман «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар таклиф этилди.

Иштирокчилар Истиқлолнинг қадрига етиш, юртимиз осмонининг ҳамиша мусаффо бўлишига эришиш, келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлодни реакцион оқимлардан, гиёванд моддалардан холи тарзда тарбиялаш лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қуйида тадбир қатнашчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазаларини келтирамиз.

**• Рашод ИНОҒОМОВ, Яккасарой тумани ҳоким ўринбосари:**

— Халқимизда «Ўз уйингни ўзинг асра» деган ҳикматли сўз бор. Дарҳақиқат, агар ҳар бир ота-она, мактаб муаллими-ю маҳалла оқсоқоли фарзандлар тарбиясига масъулият билан ёндошсалар, лоқайд бўлмасалар тинч кунимизни кўролмаётган, ёшларимизни домига тортмоқчи бўлаётган экстремистик оқимлар, наркобизнесчилар ҳеч қандай натижага эришолмайдилар.

Мақсадимиз — ёшларимизнинг комил ва баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун шароитлар яратиш, ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан камол топишлари, умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, уларда ўз Ватанига, халқига, миллий қадриятларга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатни янада кўпроқ камол топтиришдан иборатдир. Ёшларимизни йўлдан чалғитмоқчи бўлаётганларга, динни ниқоб қилиб олиб Ватанини, халқини сотиб юрган кимсаларга аёвсиз, муросасиз кураш очайлик.

Хуллас, ўз Ватанимизни, ўз уйимизни, ўз фарзандларимизни ўзимиз асрайлик.

**• Ўлмасхон ЮНУСОВА, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— «Бола азиз, одоби ундан азиз» — деган нақлга қайта-қайта мурожаат этгим келади. Азиз ота-оналар, не умидлар билан вояга етказаётган фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар Ватанига, халқига, қолаверса ота-онасига муносиб фарзандлар бўлиб вояга етсинлар. Ёшларимиз бўш қолмасинлар — ҳаётларида бўшлиқ бўлмасин. Мана ҳозир ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратилмоқда, маҳаллаларда футбол командалари тузилмоқда, «Усто-шогирд» йўналиши бўйича касб-ҳунар ўрганишга жалб этилмоқда ва яна қатор тўгараклар мавжудки — уларга ёшларимизни жалб этиш керак. Токи улар жамиятимизга ёт бўлган ақидапарастликдан холи бўлиб, ҳаётга тийрак кўз билан боқсинлар, ҳунар эгаллаб, спорт билан ошно бўлиб, илмли, ҳунарли, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етсинлар.

**• Рўзи ТУРСУНАЛИЕВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимининг раиси:**

— Келажагимиз давомчилари, юртимиз яратувчилари — фарзандларимиздир. Мактаб, маҳалла, жамоатчилик, қолаверса ота-оналар ҳаммамиз баҳамжиҳат иш олиб борсак, албатта кўзлаган мақсадимизга етамиз. Ишонаманки, шу ерда ўтирган ҳар битта оқсоқолнинг сўзига ёшларимиз қулоқ соладилар, ахир «Бир болага етти қўшни ота-она» деган мақол бежиз айтилмаган-ку. Шу ўринда Юртбошимизнинг ҳамиша огоҳликка даъват этиб, баён қилган фикр-мулоҳазалари ёдимизда туриши ва унга ҳамиша амал қилмоғимиз керак. Ва шундан келиб чиқиб фарзандларимизни яхши тарбиялайлик, уларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишларида ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшайлик.

**• Зиёд ДАВРОНОВ, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимининг масъул котиби:**

— Жамиятимизнинг эртанги тақдири ёшлар қўлида. Улар қанчалик чуқур билимли, юқори салоҳиятли, она юртимизга фидойи бўлсалар мамлакатимиз қудрати шунчалик мустаҳкам бўлаверади.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда уларнинг тарбиясига, маънавий етук бўлиб камол топишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тумандаги «Маънавият ва маърифат» маркази «Камолот» жамғармаси билан бирга ўқув муассасалари талабалари, корхоналар ёшлари билан қатор мулоқотлар ўтказмоқда. Ҳар бир маҳаллада «Камолот» жамғармасининг бошланғич ташкилотларини тузишда кўмаклашмоқда. Ёшлар ўртасида гиёвандликнинг олдини олиш, айрим ёшларнинг адашиб қолмасликлари учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз керак деб ўйлайман.

Йиғилиш сўнгида маҳалла оқсоқоли Р. Абдурасулов, маҳалла участка нозири М. Нуруллаев ва маҳалла фаолларидан Н. Одилов, Ҳ. Абдуллаев, Ҳ. Тўлаганов, Ҳ. Алимуҳамедовлар сўзга чиқиб, ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар

**Шоира МУҲАМЕДОВА.**



Биз шундай дам оламиз.

*Билиб қўйган яхши*

# ТАБИИЙ БОҒЛИҚЛИК БЎЛСА...

Гёте, даҳо «бу 1 фоиз талант ва 99 фоиз меҳнат» деб таъкидлаганди. У атайлабми ёки билмасданми — ҳар қалай янглишганди. Ҳозирги замон тадқиқот-изланишлари кўрсатишича, даҳолик нари борса 20-30 фоизгагина тарбия ва шахсий меҳнатга боғлиқ бўлиши мумкин. Даҳоликнинг саксон фоизи эса — туғма талантдан иборат!

Бошқача қилиб айтганда, даҳони дунёга келтириш қийин, тарбиялаб даҳо қилиш эса мутлақо мумкин эмас. «Евроталант» — Европа Кенгаши ҳузуридаги иқтидорли болалар ва ўсмирларни ўқитиш бўйича Европа қўмитаси вице-президенти Дмитрий УШАКОВ буюк инсоннинг ота-онаси бўлиш учун қандай шартларга риоя этилиши кераклиги хусусида қуйидагиларни билдирди.

## АРПАДАН БУҒДОЙ КУТМАНГ

Гўдак ва унинг ота-онаси ақл-заковати ўртасида табиий боғлиқлик мавжуд. Юксак интеллект эгалари бўлган ота-оналар худди шундай гўдакларни дунёга келтиради. Бироқ, аждодлар ақл-заковати жамиятдаги ўртача даражадай жуда юқори бўлса — унда гўдак ақлли бўлса ҳам ота-онасичалик даражада бўлмайди. Зеро, табиат ҳамиша **мувозанатга интилади.**

Қоидага кўра, ота-онанинг наслга таъсири теппа-тенг — яъни 50 фоизи онадан ва яна 50 фоизи отадан бўлиши керак. Лекин Ницше анча олдиноқ: «Даҳолардаги буюклик — онадан. Ота эса — ҳамиша фақат тасодифдир», — дея таъкидлаганди.

У ҳолда ҳаммага маълум бўлган — даҳолар кекса оталар ва жуда ёш оналардан туғилади деган қоида неча пулга тушади? Ота фарзанднинг онасидан камида чорак асрга катта бўлган оилаларда дунёга келган машҳур кишиларнинг бутун бир рўйхатини келтириш мумкин: Микеланжело, Петр I, Екатерина II, Гёте, Паганини, Лесков...

— Бу жуда кенг тарқалган янглиш фикрдир, — дейди Д. Ушаков. — Сиз XVII-XIX асрларда ва ундан ҳам олдин яшаган даҳоларни тилга оляпсиз. У вақтларда эркаклар пул ва амалга эришгандан кейин, яъни 30 ёшдан сўнг уйланишарди. Қизларни эса мумкин қадар эртароқ турмушга узатишга интилишарди. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда барча гўдаклар кекса ота ва жуда ёш оналардан туғиларди. Улардан баъзилари, табиий, даҳолар бўлиб чиққан.

Немис олимлари яна бир қизиқарли таърифни келтиришади: онанинг ёши отанинг ярим ёши плюс 7 ёшга тенг бўлиши керак. Афтидан, ота-оналар қанчалик катта ёшда ва ақлли бўлишса, тарбия омили шунчалик таъсирчан ҳолда гўдакнинг иқтидори вақтида пайқаб қолиниб ривожлантирилиши имкони ҳам кўпроқ бўлса керак.

«Эҳтимол, — дея эътироф этади Ушаков, — даҳоларни яратишда ёш омили муҳим роль ўйнади. Ахир бутун ҳаёти давомида инсон (эркаклар ҳам, аёллар ҳам) **мутация**ларни тўплайди. Мутациялар сони қанча кўп бўлса гўдакнинг нормадан ўтган ҳолда туғилиш хавфи шунчалик юқори бўлади. Даҳолик ҳам — оғишдир».

## МУҲАББАТ НОН ЭМАС

Бу иборани қўллашда биз, ундан ҳеч қандай наф йўқ, деган маънони назарда тутяпмиз. Лекин немис файласуфи Шопенгауэрнинг муҳаббат тараққиётни олға сурувчи куч, тотувлик омили, дегани ҳам бор гап. Муҳаббат гўё ғайри табиий қудратга эга бўлган оға-ини ёки жилла бўлмаганида даҳони дунёга келтиришга қодир эр ва аёлни бир-бирларига яқинлаштирармиш.

Бироқ, реал ҳаётда қарийб тўлиқ бунинг акси бўлади. Рус файласуфи Владимир Соловьев тарихий ва адабий муҳаббат воқеаларини таҳлил этар экан, аниқ далиллар асосида қизиқ хулосага келди. Яъни ўта кучли муҳаббат ва телбаларча эҳтирос нафақат буюк наслни бермайди, балки боз устига, кўпинча зурриётсиз қолади, ёки умуман жавобсиз бўлади.

Немис ва Австрия фуқаролари умуман муҳаббат асосида уйланишни тентаклик деб ҳисоблайдилар. Бирон мўлжал мақсад билан турмуш қуриш протестант аҳлоқининг асосий арконларидандир. Буни қарангки, шундай ҳисоб-китобли никоҳдаги оилаларда Моцартни ҳам, Гейнени ҳам, Гётени ҳам, Ницшени ҳам дунёга келтиришган. Ромео ва Жульетталар эса одатда биронта гўдакни дунёга келтиришга улгурмайёқ дорулбақога равона бўлишади.

## ҚИЗ ЯХШИ, ЎҒИЛ УНДАН...

Қизларга нисбатан ўғил болалар орасида даҳолар кўпроқ учрайди. Гап шундаки, ақл-заковат шкаласида эркаклар кенгроқ тарқалган: «оддий ақллилар» орасида аёллар кўпчиликни ташкил этади, бунинг эвазига «жуда ақллилар» ҳамда «жуда аҳмоқлар» орасида эркаклар кўпроқ учрайди. Албатта, бунда муҳит таъсирини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, аёллар ақл заковатга сўз ижодиёти йўналишда, эркакларнинг эса кўламли тафаккур йўлида ривож топади. Бинобарин, қизлардан мислсиз шоира, ёзувчи, сиёсатчи етишиб чиқиш эҳтимоли катта. Лекин асло улардан буюк меъмор, рассом, математик, саркарда чиқмайди — булар шубҳасиз эркаклар йўлидир.

Лев Гумилёв даҳоликни фазодаги ярқ этиб кетадиган чақнаш билан боғлаганди. Лекин шуниси аниққи, фазодаги чақнашни кузатиш ва унга гўдакнинг туғилиш вақтини тўғрилаш амалда эплаб бўлмайдиган ишдир. Шундай мувофиқлик юз берган тақдирда ҳам у тасодифдан бошқа нарса бўлмайди.

— Астропсихология деб ном берилган йўналишда тадқиқотлар олиб бориляпти, — дейди «Евроталант» вице-президенти Дмитрий Ушаков. — Бироқ улар бирон-бир маънили натижа бергани йўқ. Ҳар қалай буюклик жамиятнинг муайян ҳолатлари билан боғлиқ, дея даъво қилиш мумкин. Шундай ҳолатлар бўлади, вақтнинг қисқа давр ичида бошқа вақтларга ва бошқа мамлакатларга нисбатан ғайритабиий тарзда катта миқдордаги даҳолар дунёга келади. Чунончи, Италияда XV-XVI асрларда Ботичелли, Докателло, Медичи, Боккаччо, Леонардо, Микеланжело ва бошқалар, Россияда XVIII-XIX асрларда Ломоносов, Потёмкин, Суворов, Кутузов, Дашкова, Пушкин, Лермонтов ва бошқалар яшашган.

Баъзан талант бевақт намоён бўлади. Масалан, ҳаётлигидаёқ Леонардо буюк рассом сифатида умум эътирофига сазовор бўлганди. Фақат XX асрга келибгина унинг яна боз устига буюк физик олим эканлигига ҳамда вертолётни кашф этгани маълум бўлди.

Одатда, даҳолар нозик, назокатли, қирра бурун, ён томондан бесўнақай кўринишга эга бўлишади. Пушкин, Моцарт, Суворов, Савонарола, Эйнштейн худди шундай «чигиртка»лар эканлигини эсланг-а... Табиатан улар одамови, тез таъсирланувчан ҳамда тафаккурий мушоҳадалари жуда ривожланган кишилардир.

Ниҳоят, ташқи қиёфа — бўлажак гўдакнинг отасини танлаш чоғида биз диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган энг кўзга ташланиб турадиган аломатдир. Бошқа жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак — ҳар қандай қилтириқдан даҳо чиқавермайди.

Агар яхшилаб мушоҳада юритиб кўрадиган бўлсак, инсониятнинг бутун тарихи давомида фақат уч нафар мутлақ даҳо, яъни барча соҳаларда — шеърият, рассомлик, фалсафа, физика, биология, химия, тиббиёт, астрономия соҳаларида баравар иқтидорга эга бўлган уч киши Арасту, Леонардо да Винчи ва Михало Ломоносовлар ўтган. Уларнинг ҳар учаласи ҳам миқти ва бақувват кишилар бўлишган.

**Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланган.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига қарашли «Кундуз» очиқ ҳиссадорлик жамиятига ташқи бошқарувчи лавозимига танлов эълон қилинади.**

ОХЖ «Кундуз» тери ва жунни қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Устав фонди 5535 минг сўм бўлиб, ишчиларнинг умумий сони 116 киши.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.10.99 й. № 2965-с сонли қарори билан корхонага Ташқи бошқарув жорий этилган.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Шомаҳмудов, 128-уй.

**ТАНЛОВ ШАРТИ**

Қарздор корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили асосида 5 ой ташқи бошқарув даври мобайнида корхонани тўлов қобилиятини тиклаш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

**НОМЗОДЛАРГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБ**

1. Олий маълумот.
2. Раҳбарлик лавозимидаги иш тажрибаси камида 5 йил.
3. Банкротлик ва санация масалалари, молия ва бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчиликлар юзасидан билим даражасига эга бўлиши керак.
4. Ушбу ихтисослик бўйича иш тажрибаси 5 йил.

Танлов ўтказиш муддати ва тартиби

Номзод **Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24 манзилда** (Халқаро Телеком, 4-этаж, 406-хона) жойлашган Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармасига танловда иштирок этиш учун ариза, ихтисослиги бўйича диплом нусхаси, меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотнома ва учтадан кам бўлмаган тавсияномаларни топширгандан сўнг танлов иштирокчиси гувоҳномаси берилади.

Қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш бўйича ишлаб чиқилган дастур мазкур эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кун муддатда Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармасига тақдим этилади.

Танлов комиссияси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кунлик муддатда танлов ғолибини аниқлайди ва ушбу натижа бўйича Ташқи бошқарувчи ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Рўйхатга олинган номзод олдиндан корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти, меъёрий ҳужжатлар ва танловнинг қўшимча шартлари билан батафсил танишиш имкониятига эга.

**Маълумот учун телефонлар: 132-07-03, 133-40-01.**

## Чилонзор тумани аҳолиси диққатига!

**«Тошгаз» шаҳар бошқармаси шуни маълум қиладики, 2000-2001 йилга кузги-қишки тайёргарлик ишлари муносабати билан Чилонзор туманида таъмирлаш ва тафтиш ишлари белгиланган. Шу ишларни бажариш учун 27.07.2000 йил соат $11^{00}$ дан $17^{00}$ гача қуйидаги аҳоли яшайдиган манзилларда вақтинчалик газ ўчирилади.**

20. Квартал — 1 ГРП № 501
21. Квартал — 2 ГРП № 502
22. Квартал — 3 ГРП № 503
23. Чилонзор кўчаси — ГРП № 538 (Лағмонхона)
24. Квартал — 4 ГРП № 504
25. Квартал — 6 ГРП № 506
26. Чўпонота кўчаси. Ошхона.
27. Квартал Ц ГРП № 524 (Оперетта)
28. Квартал — 7 ГРП № 507
29. Муқимий кўчаси ГРП № 527 (Спортмоллари)
30. Квартал — 5 ГРП № 505
31. Квартал «Е» ГРП № 515
32. Квартал «И» ГРП № 518
33. Муқимий кўчаси (Ҳаммом).
34. Ҳ. Қодирий кўчаси. ГРП № 512, 513, 548
35. Чилонзор кўчаси. Сут заводи.
36. К. Ёрматов кўчаси. ГРП № 611
37. Чилонзор 4-пр. ГРП № 537
38. Муқимий кўчаси: Авлоний кўчасидан Оқтепа «Мебель» магазинигача барча кафе ва ошхоналар.

Тери-таносил касалликлари бўйича олий даражали шифокор қабул қилади.
Аноним. Телефон: 186-03-30


Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармаси жамоаси Чилонзор тумани молия бўлими бош мутахассиси **Сайёра ПЎЛАТОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 13.10 1 2 3 4 5 6